



Динимиз таркидунёчиликни қоралайди

Исломда инсонни хўрлайдиган, мажбурлайдиган, ҳаётини азобга айлантирадиган буйруқ, қоидалар йўқ. Таркидунё қилиш, ўз жисмига азият бериш, уйланмаслик, таом ва уйқудан воз кечиш кабиларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ман этганлар. Ташқаридан қанчалик мукамал кўринмасин, самимий ихлос билан қилинмаган амал Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай қийматга эга эмас.

Ислом одамни азоблашдан йироқ, аксинча, ўзини ўзи азоблашига ҳам изн бермайди. Ояти

Шайтон мазаммати

Васвасадан қутулиш йўли

Васваса шайтоннинг алдови ва тузоқларидан биридир. Улар турлича бўлиб, ҳар кимга ҳар хил таъсир қилади. Аммо ҳаммасининг сабаби ва улардан қутулиш усули деярли бир хил. Инсон улардан хавотир олмаслиги ва эътиборсиз қолдиришни ўрганиши керак.

Абу Хурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло умматим кўнглидан ўтказган нарсаларни гапирмасе ёки амалга оширишмасе, кечиб юборади”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Руҳий тарбия

Шайтон инсонни васваса қилиб, Аллоҳга яқинлашишдан тўсишга уринади. Унинг қутқуларини санаб ўтиш имконсиз. Энг кўп учрайдигани иймонда шак-шубҳа уйғотадиганидир. Бандани иймондан айириш — шайтоннинг бош мақсади. Шунинг учун иймонли киши бундай васвасага, албатта, йўлиқади. Бу ҳолат иймоннинг белгисидир. Киши ўзининг мўминлиги ҳақида иккилана бошлайди. Аллоҳ таоло ёки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан шак-шубҳалар уйғониши ёхуд Ислом дини ҳақида салбий

фикрлар пайдо бўлиши мумкин ва ҳоказо... Оқибатда тушқунлик, умидсизлик юзага келади. Аммо мўмин киши бундай тушқунлик ва умидсизликка тушмаслиги керак.

Абу Хурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бир неча киши келиб, у зотга: “Кўнглимизга шундай нарсалар келадик, буларни айтишни жуда оғир (зуноҳ) деб биламиз”, дейишди. У зот: “Ҳақиқатан ҳам шундай бўляптими?” дедилар. Улар: “Ҳа”, дейишди. Шунда у зот: “Ана ўша айни иймондир”, дедилар»**.

4-бетда

Сийрат

Муборак хулқлари

Ҳазрат Хорижа ибн Зайд ибн Собит розияллоҳу анхумо айтди: **«Бир жамоа отам Зайд ибн Собит розияллоҳу анхунинг ҳузурига келиб: “Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳолати шарифаларидан бизларга баён қилиб беринг”, деб арз қилдилар.**

У: **“Мен жаноби Саййиди олам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳолатларидан сизларга нимани баён қилай? Мен Жанобга қўйини эдим. Қачон ваҳий нозил бўлса, менга одам юборар эдилар. Мен бориб, ёзиб берар эдим. Жанобнинг одатлари, биз саҳобалар қачон дунёдан сўз қилсак, дунёдан сўз қилар эдилар, қачон охираддан сўз қилсак, охираддан сўз қилар эдилар. Қачон таомдан сўз қилсак, таомдан сўз қилар эдилар. Мана шу баён қилган нарсаларимнинг ҳаммаси жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳолатларидир”**, деди».

(Яъни, хулқларининг юксаклигидан ёронлари билан ҳар турли суҳбатда шерик бўлар эдилар. Лекин Жанобнинг баёнлари ва шерик бўлишлари бефойда нарсалардан тамоман пок бўлиб, қайси бобда сўзласалар, ҳамнишинлари учун фойда ва манфаатнинг ўзи бўлар эди.)

Изоҳ. Ҳазрат Зайд ибн Собит розияллоҳу анху ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котибларидан бири ва энг муҳтарами эди. Бу зотдан бошқа яна саккиз саҳоба бу давлатга мушарраф эдилар: ҳазрат Усмон, ҳазрат Али, ҳазрат Уббо, ҳазрат Муовия, ҳазрат Халид ибн Саид, ҳазрат Ҳанзола, ҳазрат Балоу Ҳазрабий, ҳазрат Абон ибн Саид розияллоҳу анхум.

“Шамони Муҳаммадия” асаридан.
Таржимон ва изоҳлар муаллифи
Мирзо КЕНЖАБЕК

Мўминнинг қўрғони

«Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийро, ва иннаҳу лаа йағфируз зунуба иллаа ант, фағфирлий мағфиротан мин ғиндика варҳамний, иннака антал гофурур роҳийм».

«Аллоҳим! Албатта, мен ўзимга кўп зулм қилдим ва Сендан ўзга гуноҳларни кечирувчи йўқдир. Мени ҳузуриңдан бўлган мағфират билан кечиргин ва менга раҳм қилгин! Албатта, Сен кўп кечирувчи ва ўта раҳмли Зотсан» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ғафлат — ҳушёрликни йўқотиш, эътиборсизлик, бепарволик, беҳабар қолиш, моҳиятни англаб етмаслик. У кишидан эътибор ва ҳушёрлик талаб этилган жойда билимсизлик ёки бепарволик сабабли юзага келадиган ва танқид қилинадиган ҳолат.

Тағофул эса, билиб туриб билмасликка олиш, эътиборсиз қолди-

риш, ўзини билмагандек кўрсатиш. Бу мақсадли равишда, масалан, вазиятни юмшатиш, одамларни хижолатдан қутқариш, яраштириш, кечириш, афв этиш учун атайин йўл қўйиладиган “ғофиллик” бўлиб, мақтовга сазовор фазилат саналади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Афви (қабул қилиб) олинг,**

яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг!» (Аъроф сураси, 199-оят). Яъни, инсонларнинг баъзи хато-камчиликларига кўз юмиш, афв этиш, уларнинг табиатларига оғир келадиган ишларни талаб қилмаслик ва уларга нисбатан бағрикенглик қилиш назарда тутилган.

4-бетда

✓ 28 ноябрь. Бувайда туманида “Мансурхонтўра” жоме масжидининг янги биносига ёшт қўйилди.

✓ 5 декабрь. Азҳар шайхи Иброҳим

Муҳаммад Тошкент ислом институти кафедр мудири Жаҳонгир Неъматовга 10 та қироат бўйича ижоза шаҳодатномасини топширди.

✓ 6 декабрь. Уйғун Ғафуров Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори бўлди.

✓ 7–11 декабрь. Тошкентдаги “Олтинтепа”

жомеи имом ноиби Ҳабибуллоҳ Олимжонов Мисрда “31-халқаро Қуръон мусобақаси”да қатнашди.

Аллоҳнинг эслатмаси

“

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, унинг учун танг турмуш бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунда кўр ҳолда тирилтирумиз. У: “Раббим! Нега мени кўр ҳолда тирилтирдинг, ахир кўрувчи эдим-ку?!” дейди. (Аллоҳ) айтур: “Шундай. (Лекин) сенга Бизнинг оятларимиз келганида, уларни унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай “унутилурсан”» (Тоҳа сураси, 124–126-оятлар).

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса”, яъни буйруқларим ва Расулимга нозил қилган нарсаларим — динимдан юз ўгириб, унутса ва ҳидоятни бошқа нарсдан изласа, “бас, унинг учун танг турмуш бўлиши муқаррар”. Яъни, дунёда хотиржамликни ҳис қилмайди, кўнгли ёришмайди. Гарчи зоҳирда неъматларга кўмилиб, хоҳлаганини кийиб, хоҳлаганини еб-ичиб, ҳашаматли масканларда яшаса-да, қалбида иймон, ҳидоят бўлмагани сабабли доим изтироб, хавотир, безовталиқ ичра қолаверади.

Идора ҳаёти

Уламолар кенгаши



Жорий йилнинг 12 декабрь кунини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раислигида Уламолар Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бош имом-хатиблари, тажрибали уламолар ва диний таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Қуръон тиловати билан бошланган мажлисда 2024 йилги иш фаолият натижалари ва келгусидаги режалар таҳлил қилинди.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари йиғилишда Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган диний-маърифий ислохотлар, янги очилган масжид-мадрасалар ва қайта қурилган жомелар, Фатво маркази савол-жавоблари, мадрасалар мударрислари илмий салоҳиятини такомиллаштириш, имом-хатиблар касб маҳоратини ошириш ва эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш ишлари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда имом-хатиблар фаолиятини ривожлантириш,

Мана шу ҳақиқий танг ҳаёт, оғир ва машаққатли турмушдир.

Имом Заҳҳок, Иқрима ва Молик ибн Динор раҳимахумуллоҳ “танг турмуш”ни ёмон амал, ҳаром ва нопок ризқ деб тафсир қилганлар.

Абу Саид Худрий розияллоху анху эса уни қабр азоби, қабр торайиши сабабли қовурғаларнинг бир-бирига киришиб кетиши деб тафсир қилган.

Абу Хурайра розияллоху анху дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мўмин қабрида ям-яшил боғда бўлади. У (мўмин) учун қабри етмиши зироъ (32 метрдан кўпроқ) кенгайтирилиб, тўлин ой каби мунаввар қилинади. “Унинг учун танг турмуш бўлиши муқаррар” ояти нима ҳақида нозил бўлганини, танг турмуш нима эканини биласизларми? дедилар. Одамлар: “Аллоҳ ва Расули билувчироқ!” дейишди. У зот: “Қабрдаги азобдир...” дедилар».

“Биз уни қиёмат кунини кўр ҳолда тирилтирумиз”. Мужоҳид, Абу Солиҳ ва Суддий раҳимахумуллоҳ бу оятни “унинг фойдасига ҳужжат бўладиган далилларсиз тирилтиради”, деб тафсир қилганлар.

Иқрима раҳимахумуллоҳ эса оятни: “Жаҳаннамдан бошқа нарсани кўрмайдиган ҳолатда тирилтиради”, деб тафсир қилган.

“У: “Раббим! Нега мени кўр ҳолда тирилтирдинг... Яъни, қайси гуноҳим учун? Мужоҳид раҳимахумуллоҳ “Нега мени (фойдамга хизмат қиладиган) ҳужжатсиз ёки яхши амалларимни кўролмайдиган қилиб тирилтирдинг?” деб тафсир қилган.

“...ахир кўрувчи эдим-ку?!” дейди. Яъни, дунёда кўзларим кўрар эди, бугун эса, кўр ҳолдаман.

“(Аллоҳ) айтур: “Шундай”. Яъни, кўзларинг кўрар эди. (Лекин) “Сенга Бизнинг (вахдониятимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) оятларимиз келганида, уларни унутдинг”. Улардан юз ўгирдинг, уларга иймон келтирмадинг, амал қилмадинг.

“Бугун сен ҳам ана шундай унутилурсан” — тарк этиласан, эътибор қилинмайсан, сен билан ишимиз йўқ. Қатода раҳимахумуллоҳ оятни “яхшиликлари унутлиб, ёмонлик-гуноҳлари унутлимайди”, деб тафсир қилган.

Бу таҳдид Қуръони каримга амал қилган, фақат унинг лафзларини унутган кишига тегишли эмас. Лекин ҳадиси шарифларда бундай кишига қаттиқ огоҳлантиришлар келган. Саъд ибн Убода розияллоху анху дан



ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Ким Қуръонни ўқиб, кейин уни унутса, қиёмат кунини Аллоҳга (қўллари) кесилган ҳолида йўлиқадир”.

Манбалар асосида

“Кўкалдош” мадрасаси мударрисини
Авазбек ЖУМАБОВ тайёрлади.

Динда саволим бор...

САВОЛ: Маййит ювилганидан кейин унинг жароҳатидан чиққан қон кафанга тегса, кафан алмаштириладими?

ЖАВОБ: Йўқ, кафан алмаштирилмай, шу ҳолатда жаноза ўқиб, дафн қилинади. “Кафан маййитдан чиққан нажосат сабабли нопок бўлиб қолса, зарар қилмайди. Аммо аввал-бошдан нажосат бўлган кафанни алмаштириш керак. Шунингдек, маййитдан чиққан нажосат баданига тегса ва бу кафанлашдан аввал содир бўлса, ўша жойнинг ўзи ювиб қўйилади. Кафанлангандан кейин бўлса, ювилмайди” (“Раддул мухтор”).

САВОЛ: Жамоат намозида бир намозхоннинг тоби қочиб, ётиб қолди. Унга ёрдам бериш учун бошқа намозхон намозини бузиши мумкинми?

ЖАВОБ: Ҳа, бундай ҳолатда намозни бузишга рухсат берилган. “Оғир аҳволга тушиб қолган инсонга ёрдам бериш, баланддан тушиб кетиш, фарқ бўлиш, ёнғин каби ҳалокатга сабаб бўладиган ишлардан қутқариш учун намозни бузишга рухсат бор. Шунингдек, ўзининг ёки ўзганининг бир дирҳам (тахминан, икки юз минг сўм)га тенг моли йўқолишидан хавф қилса ҳам намозни бузиш мумкин” (“Фуятул мустамлий”).

“Чўқаётган, ёнғин ичида қолган, аҳволи оғирлашган кишини қутқариш учун намозни бузиш вожиб бўлади” (“Раддул мухтор”).

Демак, намозда бирор кишининг тоби қочиб йиқилса, ёнидаги киши намозини бузиб, унга ёрдам бериши керак. Зеро, инсон ҳаётини муҳофаза қилиш шариатнинг мақсадларидан биридир.

3-бетда

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати

Масала

2-бетда

САВОЛ: Бир одам машинаси-ни насияга сотди. Муайян муддатдан кейин ўша машинани ўзи қайта савдо қилиб, нақдга сотиб олди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Бундай савдо дуруст эмас. Чунки бундай ҳолатда харидор ҳеч нарсага эга бўлмасдан қарздор бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда Аллома Ҳаскафий бундай деган: “Киши ўзи ёки вакили сотган нарсанинг пулини тўлиқ олмасдан аввал харидордан аввалги нархдан арзонга сотиб олиши фосид савдодир” (“Дуррул мухтор”).

Демак, сотувчи сотган нарсасини ҳамма пулини олишидан аввал уни арзонроққа сотиб олиши жоиз эмас ва бундай савдони бузиш лозим. Лекин сотувчи насияга сотган нарсасини аввалги нархда ёки ундан кўпроқ нархга сотиб олиши жоиз.

Шунингдек, мазкур савдо кўринишида агар маҳсулот харидорнинг мулкидан чиқиб, яна янги мулк бўлиб қайтиб келса: масалан, учинчи шахсга сотса ва савдони бекор қилиб қайтариб олса ёки учинчи шахс ўша маҳсулотни сотиб олгандан кейин унга совға қилса, ўшанда аввалги сотувчи аввалги нархдан озроғига қайта сотиб олиши мумкин. Бу ҳақда Аллома Ибн Нужайм бундай деган: “Агар мол харидор мулкидан чиқиб, янги мулк ҳукмида ўзига яна қайтиб келса, масалан, савдони бекор қилиш билан қайтса (қабздан олдин ё кейин бўлишнинг аҳамияти йўқ) ёки кимгадир сотиб, яна қайтиб сотиб олса ёки кимдандир совға сифатида қабул қилиб олса ёхуд мерос орқали қайтиб келса, харидордан ўша маҳсулотнинг биринчи эгаси аввалги нархдан озига сотиб олиши жоиз” (“Баҳрур роиқ”).

Сиз айтган ҳолатда иккинчи савдони бузиш ва қарзини тўлаш учун бошқа одамга сотиши керак.

САВОЛ: Қасамнинг каффоратини бир кишига берса бўладими?

ЖАВОБ: “Агар бир мискинга ўн кун ярим соъ (2 kg)дан каффорат бериб борса, жоиз. Агар каффоратнинг ҳаммасини битта мискинга бир кунда берса, жоиз эмас” (“Раддул мухтор”). Агар бир куннинг ўзида каффоратнинг барчасини бир кишига бериб юборса, фақат бир кунлигини берган ҳисобланади. Энди у бир кишига яна тўққиз кун ёки тўққиз кишига ярим соъ (2 kg)дан қилиб каффорат бериши лозим.

5-бетда

Айёш ибн Абу Рабиъа

розияллоху анху

Айёш ибн Абу Рабиъа розияллоху анху Иломнинг илк даврида мусулмон бўлган. Ҳабашистонга ҳижрат қилган муҳожирлардан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам томонидан Ҳимёр диёрига юборилган элчи.

Мушрикларнинг тазйиқлари ҳаддан ошгач, завжасини олиб, иккинчи гуруҳ билан Ҳабашистонга ҳижрат қилди. Ўғли Абдуллоҳ ўша ерда туғилди. Ҳабашистондан қайтгач, Умар розияллоху анху билан Мадинага ҳижрат қилди. Айёш ибн Абу Рабиъа розияллоху анху Холид ибн Валид розияллоху анхунинг амакиваччаси ҳамда Иломнинг ашаддий душмани Абу Жаҳлнинг она бир биродари.

Мадинага ҳижрат қилганидан кейин биродарлари Абу Жаҳл ва Ҳорис ибн Ҳишом уни ортга қайтариш учун ҳийла қилишди: уни қайта кўрмагунча онасининг аза тутишга онт ичганини айтиб, Маккага қайтишини сўрашди.

Умар розияллоху анху бу алдовларга учмаслигини айтиб уни огоҳлантирди. У эса Маккада қолган молини олиш ва онасини зиёрат қилиш учун қайтмоқчи бўлди.

Шунда Умар розияллоху анху дўстига бундай маслаҳат берди:

— Ўз билганингдан қолмайсан! Мана бу туямни ол. Зотдор, учкур ва ювош туя! Агар қавминг ҳаракатларидан шубҳалансанг, қочиб кутул!

Айёш ибн Абу Рабиъа розияллоху анху туяни олиб, биродарлари билан Маккага йўл олди. Анча йўл босиб ўтганларидан кейин Абу Жаҳл унинг ёнига келиб:

Туям ярамай қолди. Мени ҳам мингаштириб ол! — деди.

Айёш розияллоху анху рози бўлди, туясини чўктирди. Туядан тушиши билан икки мушрик унга ташланишди. Айёш ибн Абу Рабиъа розияллоху анхунинг қўлоёқларини маҳкам боғлаб, шу ҳолда Маккага олиб боришди. Улар шаҳарга кириб борганларида кундузи эди. Ўзларини кутиб олганларга бундай дейишди:

— Эй маккаликлар, биз бу мияси йўқ, аҳмоқ биродаримизга нима қилган бўлсак, сизлар ҳам Мадинага қочиб кетган

яқинларингизга нисбатан шундай йўл тутинглар!

Айёш розияллоху анхуни боғлиқ ҳолда онасининг ҳузурига олиб бориб, калтаклашди. Узоқ вақт унинг Мадинага қайтишига йўл қўйишмади. Шу боис у Бадр, Ухуд ва Ҳандақ ғазотларида иштирок эта олмади.

Бу воқеа сабаб қуйидаги ояти карима нозил бўлди: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. (Аммо) агар улар сен билмаган нарсаларни (сохта маъбудларни) Менга шерик қилишингга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен (ўшанда) сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берурман”** (Анкабут сураси, 8-оят).

Мўминларнинг ҳолларига ачинган Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бомдод намозида рукудан турганларидан сўнг: **“Ё Аллоҳ, Валид ибн Валид, Салама ибн Ҳишом, Айёш ибн Абу Рабиъа ва Маккадаги бошқа кучсизларни кофирларнинг қўлидан қутқар”**, дея дуо қилардилар (Имом Муслим ривояти).

Бироз вақт ўтиб, Валид ҳибсдан қутулиб, Мадинага келди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни яна Маккага юбориб, биродарларини ҳам қутқариб келишни буюрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уларнинг ҳаққига бир неча кундан буён дуо қилаётган эдилар. Рамазон ҳайитининг тонгида бу дуони қилмадилар. Умар розияллоху анху сабабини сўраганида у зот: **“Уларнинг келганларидан хабаринг йўқми?”** дедилар.

Шу пайт Валид дўстлари билан кириб келди. Базўр нафас олаётган Валид шу ернинг ўзида жон таслим қилди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бу одам шахиддир, мен бунга кафилман”**, дея марҳамат қилдилар (Имом Абу Довуд ва Имом Байҳақий ривояти).

Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам Табук ғазотидан кейин турли ўлкаларга мактуб йўлладилар. Ана шундай мактубларни Ҳимyar ва Ҳамдон ўлкасига олиб бориш Айёш

розияллоху анхуга топширилди.

Набий алайҳиссалом Айёш розияллоху анхуга мактубни берар эканлар, бундай тавсия қилдилар: «Уларнинг юртларига етиб боргач, тунда ҳузурларига кирма. Тонг отишини кут, таҳорат ол, икки ракат намоз ўқи. Аллоҳдан нажот тила, қабул қилишини сўра. Мактубни уларга ўнг тарафда туриб, ўнг қўлинг билан бер. Мактубни сендан олишлари билан Баййина сурасини ўқи! Кейин: “Мен Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирдим, мен унга иймон келтирганларнинг аввалгилариданман”, дегин.

Улар сенга ҳеч қандай далил келтира олмадилар. Улар ўз тиллари билан бирор нарсга ўқисалар, “Менга Аллоҳнинг ўзи кифоя қилади!” дегин ва ушбу оятни ўқи: **“Бас, (эй Муҳаммад!) Мана шунинг учун даъват қилинг ва ўзингизга буюрилганидек, тўғри йўлда бўлинг ҳамда уларнинг (мушрикларнинг) ҳавойи истакларига эргашманг ва айтинг: “Мен Аллоҳ нозил қилган Китобга иймон келтирдим ва сизларнинг ўртангизда адолатли бўлишга буюрилдим. Аллоҳ Раббимиз ва Раббингиздир. Бизларнинг амалларимиз ўзимизга, сизларнинг амалларингиз ўзларингизгадир. Бизлар билан сизларнинг ўртангизда (бирор) хусумат йўқдир. Аллоҳ (қиёматда) барчамизни жамлар ва қайтишлик ҳам (ўша кун) фақат Унинг ҳузуригадир”**» (Шуaro сураси, 15-оят).

Айёш розияллоху анху айтади: «Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг айтганларини бажо келтирдим. Улар чиройли либосларни кийган ҳолда мени қарши олишди. Уларга: “Мен Аллоҳ расулининг элчисиман!” дедим. Улар мени қабул қилишди».

Айёш розияллоху анху Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламдан бир неча ҳадис ривоят қилган.

Айёш ибн Абу Рабиъа розияллоху анху ҳазрат Умар розияллоху анхунинг халифалик даврида Шомда вафот этган.

Манбалар асосида

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Динимиз таркидунёчиликни қоралайди

1-бетда

Набий алайҳиссалом рўздорнинг ифтор қилмасдан шом намози ўқишини маъқул кўрмаганлар. Зеро, Аллоҳнинг бир буйруғини адо этиш учун кун бўйи нафсини тийган одамни оғиз очадиган пайт иккинчи қийинчиликка солиш ўринсиздир.

Имом Ғаззолий раҳимаҳуллоҳ ибодатлар миқдорини дорилар қоришмасига ўхшатади. Шифо топиш учун бу миқдорга амал қилиш зарурлигини айтади. Баъзи уламолар бундай дейди: “Билиш керакки, Аллоҳ таолонинг розилиги ва муҳаббати ўзига ўзи бефойда азоб бериш, жонини машаққатга қўйишда эмас”. Шунга кўра, қиш

кунларида иссиқ сув туриб, савоби кўп бўлсин дея совуқ сувда таҳорат қилиш, ёнида масжид туриб узокдаги жомега бориш тўғри бўлмайди.

Ислом енгиллик устига барпо қилинган. Лекин бу ҳамма нарсамумкин ва ўзбошимчаликка руҳсат дегани эмас. Енгилликнинг ҳам чегараси бор. Қуръони каримда бундай огоҳлантирилади: **“Бу Аллоҳнинг чегараларидир. Ким Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, демак, у ўзига зулм қилибди”** (Талоқ сураси, 1-оят).

Киши ифротга ёки тафритга йўл қўйиши билан ўзига зулм қилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ибодатларда

ҳам мўътадилликка чақирганлар. У зот алайҳиссалом умматга фарз бўлиб қолишидан ва оғирлик қилишидан кўрқиб таровех намози-га уч ёки тўрт кундан кейин ора-латиб чиққанлар. Хасталик ёки сафар асносида намоз, рўза каби ибодатларда берилган енгилликдан фойдаланмасликни, ўзини қийнаб нафл намоз ўқишни маъқул кўрмаганлар. Намозни чўзган имомни танқид қилганлар.

Нафл ибодатларни ўзига жабр қилмаслик шарт билан адо этиш мумкин. Бироқ бошқаларга уни қилиш буюрилмайди, фарздан муҳимроқ, деб кўрсатилмайди. Акс ҳолда, дин қийинлаштирилган, мувозанат йўқотилиб, ифротга йўл қўйилган бўлади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига бир бадавий келиб, Ислом шартларини сўради. У зот алайҳиссалом шаҳодат калимаси, беш вақт намоз, Рамазон рўзаси, нисобга етган молдан закот бериш ва умрда бир марта ҳаж, деб санаб ўтдилар. Бадавий: “Сизга икром этган Аллоҳга қасам, шу санаганларингиздан оширмайман ҳам, камайтирмайман ҳам”, деб қайтиб кетди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Агар айтганини қилса, нажот топади”**, дедилар» (Мутта-фақун алайҳ).

Абдулвоҳид ИСОҚОВ,

Наманган шаҳар

“Мирёқуббой-Мирҳакимбой”
жоме масжиди имом-хатиби

Шайтон мазаммати

1-бетда

Уламолар бу ҳадисни изоҳлаб айтишадики, ўғри қимматбаҳо буюмлари бор уйга ўғриликка тушганидек, шайтон ҳам иймони бор қалбга васваса солади. Киши бундай пайтда тушкунликка тушмаслиги, кўнглига келаётган нарсаларга эътибор қилмаслиги, улар ҳақида бош қотириб, овора бўлиб қолмаслиги керак. Васвасадан қутулишнинг энг яхши йўли эътиборсиз қолдиришдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам марҳамат қилади-лар: **«Шайтон бировингизга келиб: “Фалон-фалон нарсани ким яратган?” деяверади, ниҳоят, унга: “Раббингни ким яратган?” дейди. Иш шунгача етса, Аллоҳдан паноҳ тиласин ва тўхтасин»**. Бошқа ривоятда: **«Одамлар бир-бирига савол бераверишади, ниҳоят: “Мана, жамики махлуқотни Аллоҳ яратган экан, унда Аллоҳни ким яратган?” дейишади. Кимнинг кўнглига шундай нарса келса,**

“Аллоҳга иймон келтирдим”, дегин» (Учала ҳадисни Имом Муслим ривоят қилган).

Ушбу ҳадисга кўра, киши бундай ҳолатдан Аллоҳдан паноҳ сўраши (أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ) деб айтиши ва “Аллоҳга ва Расулига иймон келтирдим”, дейиши ҳамда у ҳақда ўйламаслиги лозим.

Ҳар куни бомдод ва шом намозидан кейин уч мартадан Ихлос, Фалақ, Нас сураларини ўқиш ҳам васвасаларни аритишда

яхши ёрдам беради. Шунингдек, қалбда шубҳаларни пайдо қилувчи адабиётлардан, суҳбатлардан, эшиттириш ва кўрсатувлардан, энг асосийси, гуноҳлардан тийилиш керак.

Аллоҳ таоло барчамизнинг иймонимизни мустаҳкам қилсин!

Турсунбой МАТКАРИМОВ,

“Фахриддин ар-Розий” ўрта махсус
ислом билим юрти мударриси

Руҳий тарбия

1-бетда

«...Бас, қачонки, (Ҳафса) у (сир) ҳақида (Ойшага) хабар бергач, Аллоҳ уни (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни) бундан воқиф қилди ва у зот (Ҳафсага ўзи билган нарсанинг) баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўгирди (билдирмади)» (Таҳрим сураси, 3-оят). Яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳафса розияллоҳу анҳога унинг ҳамма айбларини айтмадилар, баъзисини айтиб, баъзисидан кўз юмдилар. Бу илтифот ва юксак ахлоқ – тағофулнинг ифодасидир.

«Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин!» (Хужурот сураси, 12-оят). Яъни, одамларнинг баъзи ҳаракатлари кишида ёмон гумонларни пайдо қилади. Бу эса, ўша гумонларнинг тасдиғини топиш учун одамларнинг айбини қидиришга ва улар ҳақида ғийбат қилишга олиб келади. Шу ҳолатга тушиб қолмаслик учун ёмон

гумонлардан четланиш, уларга эътибор бермаслик керак.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, ҳоким одамлардан хато қидирса, уларни бузади”**, деганлар. Бу ҳадисда раҳбар, ишбошиларни қўл остидагиларига нисбатан тағофул қилишга ундаш бор. Зеро, бу жамиятдаги тартиб ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Абдуллоҳ ибн Замъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилдилар... жумладан, одамларнинг ел чиқарганидан қулиши ҳақида насиҳат қилдилар ва: “Сизлардан бирингиз нима учун ўзингиз ҳам қиладиган ишдан куласиз?” дедилар»**.

Бу ҳадисда бировнинг ел чиқарганини эшитиб, унга қулиш ҳақида сўз бормоқда. Бундай ҳолатларда инсон ўзини билиб-билмаганга олиб, гўё ҳеч нарса эшитмагандай тутиши, ўз иши ёки суҳбати билан машғул бўлиши лозим. Чунки ҳеч ким бу ишни одамларга қулга бўлиш, хижолатда қолиш учун

қилмайди. Балки ўзи истамаганидан, уни қайтаролмаганидан бу ҳолга дучор бўлади. Шундай экан, унинг устидан қулиш одобсизлик, менсимаслик бўлади.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўн йил хизмат қилдим. Менга ҳечам “уф” демадилар. Бир ишни қилмаган бўлсам, “нега қилмадинг?” демадилар. Бир ишни қилган бўлсам, “нега қилдинг?” демадилар»**.

Муовия розияллоҳу анҳу айтади: “Мен ақлли ва тағофул қила оладиган кишини раҳбарликка муносиб кўраман”.

Улуғлар айтади: “Гўзал хулқнинг ўндан тўққиз қисми тағофулдадир”.

Муҳаммад ибн Али ибн Хусайн айтади: “Барча муносабатлар ва ўзаро ҳаёт учун зарур бўлган ишларнинг тўққизлиги бир ўлчовдан иборат: унинг учдан иккиси хушёрликда, бир қисми тағофулдадир”.

Бир ҳаким зот айтган: “Дунё ишларининг кўп қисми тағофулсиз амалга ошмаслигига гувоҳ бўлдим”.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: “Саломатлик ва хотиржамликнинг ўндан тўққиз қисми тағофулдадир”.

Суфён Саврий: “Тағофул шарафлиларнинг хислатидир”, деган.

Хулоса қилиб айтганда, тағофул – бу инсоннинг ақлий комиллиги ва хулқи юксаклигини кўрсатувчи фазилят бўлиб, муносабатларни ислоҳ этишда, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айбу нуқсон, гуноҳлардан маъсум зот – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қанчадан-қанча гуноҳкор, хато-камчиликларга тўла кишиларни кечириб, афв этганлар, уларга нисбатан бағрикенглик қилганлар. Кўпчилик у зотнинг хулқлари, муомалалари туфайли иймонга келишган. Шундай экан, биз ҳам атрофимиздагилар – аҳли оиламиз, оға-ини, опа-сингилмиз, ҳамкасбларимиз, ёр-дўстларимизнинг баъзи камчиликларига кўз юмиб, бағрикенглик билан муомала қилсак, ютамиз.

Азизбек ХОЛНАЗАРОВ

Оила тотувлиги

Аллоҳ таоло эркак кишини аёлдан кўра кучлироқ қилиб яратган. Оилада эр сабрли, кечиримли, кўп насага кўз юмادиган, оғир-босиқ бўлиши лозим! У оилада раҳбар, шунинг учун турмушга енгил қарамаслиги, барча масъулиятли вазифаларни — оилани моддий жиҳатдан таъминлаш, муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилишда адолат талабларидан келиб чиқиши лозим.

Ҳаёт доимо бир маромда кечмайди. Эр аёлининг баъзи жиҳатларини ёқтирмаслиги мумкин. У аёл кишининг дунёвий ишлардаги камчилигига эътибор бермаслиги керак. Чунки уларни ислоҳ қилса бўлади. Аммо диний амалларида нуқсон бўлса, бунга астойдил эътибор қаратиши шарт.

Эр аёлининг рўзғор тутумини онасиники билан асло солиштирмасин. Она камида 45 ёшда ва 25 йиллик тажрибага эга. Бу вақт орасида оила тутуми, пазандалик сирлари ва одамлар билан муомалада малака қозонган. Келин бу даражага етиши учун қайнонаси ўтган йўлни босиб ўтиши керак.

Ўз ўрнида қайнона ҳам

Яхшиликка чақириш

буни тушуниши, 30–40 йиллик тажрибаларини келинларники билан солиштирмаслиги лозим. Ўзи қандай ўрганган бўлса, хонадонига келган янги инсонга ҳам ўргатсин. Ўзининг ўтмиши — қайнона кўлидан бурда нон олиб еган кунларини унутсин!

Шу ўринда мурожаатим қайноталарга: “Аёлингизга тайинланг, келинини ёмонламасин! Бир яхшилик қилса, кўпайтириб айтсин. Келин ёш, хатоларга йўл қўйиши мумкин, улар ҳақида асло ўғлига сўз очмасин. Токи, онасига бўлган меҳр сабаб куёв хотинига нафрат билан боқмасин. Чунки бунинг охири ажрашиш билан якунланиши мумкин!” Айтмоқчимизки, оиладаги ана шундай вазиятларни бошқариш ҳам оила бошлиқлари зиммасидадир.

Муқаддас динимизда чақимчилик ҳаром. Бу иллат фитна келтириб чиқаради, қалбларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Расулulloҳ алайҳиссалом бундай деганлар: **“Сизлардан биронتانгиз саҳобаларим ҳақида менга ёмон гап айтиб келмасин. Чунки мен сизларга қалбимда хотиржамлик ила рўбарў бўлишни хоҳлайман”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Шунингдек, қайнона ўғлига хотинидан кўнглини қолдирмайдиган гапларни айтишни билмаса, индамагани яхши. Бу борада ҳадис бор. Пайғамбар алайҳиссалом: **“Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши сўз айтсин ёки жим турсин”** (Муттафақун алайҳ) деганлар.

Хулоса шуки, қуриладиган оилаларнинг мустаҳкам бўлиши бевосита унинг ҳар бир аъзосига боғлиқ. Улар бир-бирларини тушунган ҳолда муомала қилсалар, кўплаб кўнгилсизликларнинг, жанжаллар ва оилавий таназзулларнинг олди олинади.

Ўтқир ҲОШИМОВ,

Шароф Рашидов тумани

“Мулла Олим”

жоме масжиди имом-хатиби



Ғазабини енгувчиларнинг мукофоти

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериш осон. Аммо ёмонлик қилган инсонга ҳам яхшилик қилиш марднинг ишидир. Ояти каримада бундай марҳамат қилинади: **“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур”** (Фуссилат сураси, 34-оят).

Дарҳақиқат, ғазаб денгизига тушган инсон ўзини назорат қилиши жуда қийин. Шу боис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Қурашда енгган эмас, балки ғазабланганда ўзини қўлга ола билган киши ҳақиқий кучлидир”** (Муттафақун алайҳ).

Бундай инсон эришадиган мукофот ҳақида Саҳл ибн Муоз

ибн Анас розияллоҳу анҳу отасидан, отаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда бундай дейилади: **“Ким ғазабини сочишга қодир бўла туриб, уни ичига ютса, Аллоҳ унинг қалбини хотиржамлик ва иймон билан тўлдиради”** (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Ривоят қилинишича, қиёмат куни нидо қилувчи: “Мукофотларини Аллоҳнинг Ўзи берадиган бандалар қаерда?” дея нидо қилгач, инсонларни кечирганлардан бошқа киши ўрнидан тура олмайди” (*“Рухул баён”*, III, 298). Ояти каримада эса бундай дейилади: **«(Ҳар қандай) ёмонликнинг жазоси худди ўзига ўхшаш ёмонликдир. Бас, кимки афв этиб (ўртани) тузатса, бас, унинг мукофоти Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта,**

У золим (тажовузкор)ларни севмас» (Шўро сураси, 40-оят).

Бошқа ояти каримада Жаноби Ҳақ ғазабини ютган инсонларнинг тақводор бандалар бўлишини таъкидлайди: **“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”** (Оли Имрон сураси, 134-оят).

Бу дунё — имтиҳон дунёси. Мўмин банда ана шу имтиҳондан ўтиб, ёруғ юз билан Аллоҳга йўлиқиш, боқий дунё саодатига эришиш учун ғазабини жинтовлаши керак.

Алижон МАТЁҚУБОВ,

Хива шаҳар бош имом-хатиби

Масала

3-бетда

САВОЛ: Отамизнинг вафотидан кейин ҳам ўғай онамиз бизга маҳрамлигича қоладими?

ЖАВОБ: Ҳа, албатта. Фарзандлар учун отанинг аёли абадий маҳрам ҳисобланади. “Отасининг ва ўғлининг аёлларига уйланиш — ҳаром. Аллоҳ таоло: **“Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг!”** деган (Нисо сураси, 22-оят). Шу оятга биноан, ўғилларга отаси никоҳига олган аёллар (абадий) маҳрам бўлиб қолади” (*“Баҳрур роиқ”*).

САВОЛ: Уйланганимда аёлим маҳри учун ҳажга олиб боришимни сўраган эди. Мен рози бўлганман. Тақдир экан, биз ажрашдик. Маҳрни қандай адо қилсам бўлади?

ЖАВОБ: Маҳр — никоҳ сабабли аёлга бериладиган кадр-қийматга эга моддий буюм ёки маблағ. Маънавий манфаатлар ёки ибодатлар маҳрга ўтмайди. “Агар эркак аёлга Қуръонни таълим бериш ёки ҳалол ва ҳаромга доир ҳукмларни ўргатиш ёхуд ҳаж ва умра каби ибодатларни қилдиришга келишиб уйланган бўлса, ушбу келишув дуруст эмас. Чунки зикр қилинган нарсалар мол-буюм бўлмагани учун маҳрга ўтмайди” (*“Бадоеъ”*).

Агар никоҳда шундай келишув қилинган бўлса, у ҳолда маҳри мисл вожиб бўлади. Маҳри мисл — никоҳ битими тузилган пайтда, келиннинг аммалари ёки амакиларининг қизлари (унга ёш, ҳусн ва ҳоказо жиҳатларда тенг бўлганлар)га бериладиган маҳр.

“Агар бир аёлга Қуръонни таълим бериш шарти билан уйланса, унга маҳр мисл берилади” (*“Фатавойи Оламғирийя”*).

САВОЛ: Макулатурага топширилган қоғозлар орасидан Қуръон ва бошқа диний мазмундаги адабиётларнинг эскирган ва-рақлари чиқиб қолади. Уларни нима қилиш керак?

ЖАВОБ: Бу ҳақда Аллома Ҳаскафий раҳимаҳуллоҳ: “Фойдаланиб бўлмайдиган китоблардан Аллоҳ таолонинг, фаришталар ва пайғамбарларнинг исми ўчирилади ва ёқиб юборилади... Кўмиш ҳам мумкин. Энг афзали шу. Зеро, анбиёлар ҳам дафн этилганлар”, деган (*“Дуррул мухтор”*).

Аллома Ибн Нужайм раҳимаҳуллоҳ айтади: “Қуръон ёзилган лавҳ (дан ёзув тахта)ни ўчириб, уни дунё ишига ишлатса, жоиздир” (*“Баҳрур роиқ”*).

Ҳозирда қоғозлардаги ҳар қандай ёзувни кеткизадиган махсус воситалар бор. Шунга кўра, замонавий фатво марказлари ёзув ва ҳарфлари тўлиқ ўчирилган ва махсус ишлов берилган қоғозлардан қайта фойдаланиш мумкинлигига фатво бермоқда. Чунки улардаги оят ва ҳадис ҳамда бошқа диний ёзувлардан асар қолмайди. Таъкидлаш жоиз, ушбу амалиёт жараёнида Мусҳаф ёки оят кўчирилган қоғозларни таҳоратли ҳолда ёки қўлқоп билан ушлаш лозим.

6-бетда

Отам масжидда аср намозини ўқиб қайтгач, тўғри мен дарс тайёрлаб ўтирган хонага кириб келди. Ўрнимдан туриб, китоб-дафтарларимни бир четга сурдим-да, отамга пешвоз чиқдим.

— Ўтираверинг, ўғлим, ўқиган ютади. Кирганимнинг боиси, бирор соатдан кейин тайёр бўлиб турсангиз, иншоаллоҳ, сизни бир жойга олиб бораман.

Қаергалигини сўраб ўтирмай, “хўп бўлади” дегандек қўлимни кўксимга қўйдим. Дарҳақиқат, айтилган пайтда ота-бола пиёда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Сархумдон маҳалласига қараб йўлга тушдик. Ниҳоят, лой томли уйлардан бирининг эшиги олдида тўхтагач, отам менга тушунтириш берди: “Бу менинг устозим Сулаймон қори домланинг ҳовлиси. Олим одам, дуоларини олиб қайтамиз”.

Эшик зулфинига қўл уришимиз билан ҳовлида шовқин солиб югуриб юрган болакайлардан бири олдимизга келиб, одоб билан салом берди.

Масала

5-бетда

САВОЛ: Менга ҳадя қилинган нарсани кимгадир ҳадя қилиб берсам бўладими?

ЖАВОБ: Ҳа, ҳадя сифатида келган нарсаларни ўзгаларга ҳадя қилиш дуруст. Чунки ҳадя қилинган нарсани қўлга олиш ёки олишга тўлиқ имконият берилиши билан совға олувчининг мулкига ўтади. Киши ўз мулкини хоҳлаганидек ишлатиши мумкин.

“Ҳадя ижоб (“сенга фалон нарсани ҳадя қилдим”, дейиш) ва қабул (“қабул қилдим”, дейиш) билан дуруст бўлади ва қўлга олиш билан охирига етади” (“Мухтасарул Қудурий”). Қўлга киришиш кўчар мулкларда уларга муносиб кўринишда, кўчмас мулкларда эса калитларни олиш ва бинонинг бўшатиб қўйилиши билан бўлади.

Ҳадяда “сенга фалон нарсани ҳадя қилдим” ва “қабул қилдим”, деган сўзларни талаффуз қилиш шарт қилинмайди. Балки берилган нарса ҳадя эканига далолат қилувчи ишлар кифоя қилади. Масалан, бир фақирга кийим берса ва у индамай олса ҳам, ҳадя бўлаверади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.

Тел. 78-150-33-44

Дуо олишга ҳарис бўлайлик

— Дадангиз уйда бўлса, Толиб-жон қори бобо келди денг, хўпми?

Бола бошини ирғаб, ичкарига чопқиллаб кириб кетди ва ҳаялламай қайтиб чиқиб, бизни чоғроқ бир хонага бошлаб кирди. Сулаймон қори домла оқ-сарикдан келган, юзидан нур ёғилиб турувчи, боқишлари маъноли, ўрта бўйли, чорпахил, бошида хонаки оқ тўр дўппи, эгнида енгил оқ ятак, оппоқ соқол-мўйловли, фариштасифат мўйсафид экан. Очик юз билан бизни қаршилади. Ўтириб салом-алик қилгач, устоз мен томонга жилмайиб юзланган эди, отам сўз бошлади:

— Таксир, бу кенжа ўғлим Шокиржон, китоб ўқишга кўп ҳавасманд. Боламнинг ҳаққига дуо қилишингизни сўраб келдим. Аллоҳим уни солиҳ бандаларидан қилсин.

Мезбон: “Маъқул, яхши ният қилибсиз”, деб салобат ва виқор билан ширали товушда Қуръон тиловат қилиб, дуога қўл очди. Сўнг менга ўгирилиб: “Болам, одамларга фойдали бўлган илмни эгаллашга интилинг. Яратган Эгам тану жонингизни омон сақлаб, умрингизни зиёда, ҳаётингизни солиҳ амалларга ноил қилиб, ёрлақасин, омин”, дея фотиҳа берди.

Болалик хотирамда ўчмас из

қолдирган ушбу воқеага ҳам боийилдан ортиқ вақт ўтибди. Кейинчалик ҳам раҳматли отам менга маҳалламиздаги Обид домла, Бурҳониддин, Тожиддин ва Нажмиддин қорилар, шунингдек, Сафо қори, Саидхон қори, Умаржон қори, Абдумажид қори, Акром қори, Анвар қори, Абдулхай махсум каби табаррук инсонлардан дуо олиб берди. Падари бузрукворимнинг ушбу яхшиликларини ҳануз миннатдорлик билан эслайман, Аллоҳ у кишини раҳмат қилсин.

Зеро, халқимизда “Олтин олма, дуо ол” нақли бежиз айтилмаган. Ҳаётимда ҳам бунинг тасдиғини кўриб келмоқдаман. Мактабни “олтин медал”га тугатганим, тиббиёт институтида таҳсил олиб, шифокор бўлиб етишганим, минглаб беморларнинг даво топишига сабабчи бўлганим, соҳадаги раҳбарлик ва илмий-педагогик фаолиятим ҳамда бахтли оилавий ҳаётим ана шу дуолар ижобати деб ўйлайман.

Эндиликда ўзим ҳам набираларимнинг дуогўйиман, кези келганда, табаррук уламолар, нуроний боболардан уларга дуо беришларини илтимос қиламан. Айниқса, икки ўғлим билан 2014 йили халқимизнинг ардоқли

фарзанди, мусулмон олами тан олган буюк олим, фазилатли шайхимиз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг (охиратлари обод бўлсин) суҳбатида бўлиб, муборақ дуоларини олганимиздаги қувонч умрбод хотирамизга муҳрланиб қолди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилганлар: **“Дуо бошга келган ва келмаган ҳар нарсага қарши фойдалидир. Фақат дуо қазо(тақдир)нинг олдини олади. Инчунин, дуога маҳкам ёпишинг!”** (Имом Термизий ривояти). Демак, икки дунё саодатини тиласак, улуғларнинг дуоларини олишга, Аллоҳдан чин ихлос билан ўзимизга ва зурриётларимизга яхшиликлар сўрашга ҳарис бўлайлик.

Шокир ота ҚОСИМОВ,
Яшнобод тумани



Ҳикоя



У ишхонадан кайфи чоғ бўлиб қайтди: бир танловда ғолиб чиқиб, кутилмаганда катта мукофотга эга бўлди. Уйга келиб, тўғри ота-онасининг олдида кирди-да, хурсандчилигини баҳам кўрди.

— Бу ҳалол меҳнатингнинг натижаси. Хўш, энди бу пулларни нима қилмоқчисан? — деб сўради отаси.

Хайрли тасарруф

— Сизга янги машина олиб берайми?

— Қўй болам, машинанинг тагидан шамол ўтиб турибди. Яна анча йил хизмат қилади, насиб бўлса.

— Ёки ойим билан сизни ҳажга жўнатайми?

— Биз ҳажга борганмиз, бошқалар ҳам борсин.

— Майли, сизлар нима десангиз, шунга розиман.

У шундай дея кийимларини алмаштириш учун хонасига кириб кетди...

Кечки овқатдан кейин, у отасига деди:

— Дада, айтган гапларингиздан кейин ўзимча бир нарсаларни режалаштиргандек бўлдим, агар хўп десангиз, айтаман.

— Қулоғимиз сенда, болам.

— Ўзим ўқиган мактабдаги кутубхонага ва ёнимиздаги масжиднинг кутубхонасига китоблар олиб бериш, қабристонни ободонлаштириш учун маблағ ажратсам...

— Кейин... синглимнинг

ўқишидаги шартнома пулини тўлаб берсам...

— Қўшнимиз Холида опа эри вафот этгандан кейин жудаям ночор аҳволга тушиб қолган. Уйини таъмирлатиб, болаларига кийим-бош олиб берсам, дегандим.

— Жудаям тўғри ўйлабсан, болам.

— Мана шу ишларни қилиб бўлгач, озгина пул ортса, уйимизга ҳам нимадир олсам...

— Яша, ўғлим, ана энди ўзингга келдинг, инсон, имкони бўлса, ўзгаларга яхшилиқ қилишга шошилиши керак. Аллоҳ ҳам бундай кишига янада кўпроқ инъом қилади. Агар ғойибидан келганида фақат ўзингга сарфласанг, — шу етказгани биринчиси ва сўнггиси бўлиб қолиши мумкин. Бу ишларни бошлашингдан аввал битта жонлиқ сўйиб, яқинларимизга тарқатамиз.

Отасининг бу гапларидан ўғилнинг боши осмонга етди ва хурсанд бўлганича қассоб оғайнисига қўнғироқ қила бошлади...

Беҳзод ҲОЖИМАТОВ

Ислом шариати учинчи манбаи – ижмо

Ижмо – муайян бир асрда истиқомат қилаётган мужтаҳид уламоларнинг бирор-бир шаръий ҳукм устида бирлашиб иттифоқ қилишларидир. Демак, юқоридаги таърифга кўра, мужтаҳид бўлмаган ва турли замонларда яшаган кишиларнинг иттифоқи “ижмо” дейилмайди. Саҳобалар даврида бирор масала устида ижмо қилиш анча осон эди. Чунки аксарият олим саҳобалар айнан Мадинада истиқомат қилишган. Қолаверса, халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анху олим саҳобалар Мадинадан ташқарига кўчиб ўтишларига ижозат бермас эди. Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг халифалик даврига келиб саҳобаларнинг бошқа юртларга кўчиб ўтишлари кўп кузатилган.

Демак, саҳобаларнинг Мадинада жам бўлишлари янги масалалар устида мунозара ва баҳс қилиш имконини берар ва бирор масалада ижмо ва иттифоққа келиш осон кечар эди.

Тобеинлар ва табаа тобеинлар даврида ижтиҳод. Бу даврга келиб фикҳ илми алоҳида фан сифатида шакллана бошлади. Уламоларнинг оят ва ҳадислардан шаръий ҳукмларни истинбот қилиб олишда ўзларига хос ижтиҳод усулларини ишлаб чиқишлари натижасида фикҳий мазҳаблар юзага келди.

“Мазҳаб” сўзи луғатда йўл, йўналиш маъноларини англатса, истилоҳда шаръий далиллардан фатволар чиқаришда махсус усул ва қоидаларга таяниб иш кўрган мужтаҳиднинг йўлига айтилади. Маълумки, Ислом оламининг аҳли сунна тоифаси ичида

тўртта фикҳий мазҳаб мавжуд: ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалий. Улардан олдин ҳам турли мазҳаблар мавжуд бўлиб, улар муайян бир шахс номи билан эмас, балки шаҳар ва минтақа аҳолиси номи билан аталган. Масалан, мадиналиклар мазҳаби, маккаликлар мазҳаби ва ҳоказо. Ўз навбатида, мазкур шаҳар ёки минтақа аҳолиси ўша ердаги уламоларнинг фатволарига амал қилишар эди.

Табиийки, бир шаҳар аҳолиси мазҳаби билан бошқа шаҳар аҳолиси мазҳаби ўртасида жузъий фарқлар мавжуд эди. Сабаби, фатво берувчи саҳобаларнинг ҳаммаси ҳам Расулуллоҳнинг ҳадисларидан бирдек хабардор бўлмаганлар. Қолаверса, уларнинг илмий салоҳиятлари ва ижтиҳод услублари ҳам фарқли бўлган. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Уммати-мнинг ихтилофи раҳматдир”**, деган сўзлари мана шу хилдаги фарқлар ҳақидадир.

Кейинчалик забардаст уламолар саҳоба ва тобеинларнинг фатволарини жамлаб, уларни таҳлил қилиш орқали янги мазҳабларга асос солишди. Бу мазҳаблар мазҳаб соҳибининг номи билан атала бошлади. Кўфада ҳанафий, Мадинада моликий, Мисрда шофеъий ва Бағдодда ҳанбалий мазҳаблари ана шу тарзда пайдо бўлди. Тарих нуқтаи назаридан қаралса, бу тўрт мазҳаб ҳам бир-бири билан боғлиқ, мазҳаб эгалари ўзаро бевосита ёки билвосита бир-бирларига устоз ёки шогирд бўлишган. Масалан, Абу Ҳанифа Имом Молик билан кўришган,

Имом Молик Имом Шофеъийга устозлик қилган, Имом Шофеъий эса Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан билан бевосита мунозаралар қилган. Шунингдек, Имом Шофеъий Аҳмад ибн Ҳанбалга устозлик қилган. Шунга қарамай, ҳар бир мужтаҳиднинг мазҳаб тузишда ўзига хос илмий йўналиши бўлган. Мазҳабларни дунё бўйича тарқалишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Тўртинчи ҳижрий асрга келиб, уламолар ўзлари тақлид қилаётган мазҳабларини қўллаб-қувватлаб, уни оммага ёйишга ҳаракат қилдилар. Мазҳаббошининг маноқибларини жамлаб китоб таълиф қилиш, мазҳаблар ўртасидаги ихтилофли масалаларга хослаб китоблар ёзиб, унда ўз мазҳабининг имоми келтирган ҳужжатни қувватлашга уриниш, уламолар ўртасида мазҳаблараро муноқашалар олиб бориш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, мазҳабларнинг ривожланиб, кенг тарқалишида сиёсий ва ижтимоий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, ҳанафий мазҳаби, асосан, аббосийлар халифалиги даврида гуркираб ривожланди. Бунда ўша даврнинг бош қозиси, Абу Ҳанифанинг катта шогирди Имом Абу Юсуфнинг хизматлари катта бўлди. У киши халифалик ҳудудидаги қозилик лавозимларига фақат ҳанафий мазҳабидаги олимларни



тайин қилди. Имом Молик мадиналик бўлгани учун Ҳижоз аҳолиси у кишининг мазҳабини тутишди. Шунингдек, ҳаж зиёратига келган кишилар Имом Молик ва у кишининг мазҳабидаги олимлар билан музокаралар олиб бориши натижасида Африка қитъасидаги давлатларга моликий мазҳаби кириб борди. Шофеъий мазҳабининг ёйилишида аҳли ҳадисларнинг таъсири катта бўлди. Чунки Имом Шофеъий ишончли суннатни маҳкам ушлаган, оҳод ҳадисларнинг ҳужжат эканини қаттиқ туриб ҳимоя қилган эди.

✍ **Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ**нинг

“Ислом фикҳи асослари” китоби асосида тайёрланди.

Ислом сабоқлари

Фақиҳлар саҳобалар ҳақида нобоп гапларни айтиш масаласида огоҳликка чорловчи бир неча ҳукмларни айтганлар. Уларни “иттифоқ қилинган ҳукмлар” ҳамда “ихтилофли ҳолатлар”га ажратиш мумкин.

Иттифоқ қилинган ҳукмлар:

1. Ойша онамизнинг иффатига туҳмат қилиш – куфр: Бани Мусталиқ ғазотидан қайтишда туҳматга учраган Ойша розияллоху анхонинг покиза экани Қуръони карим оятлари (Нур сурасининг 11-ва 26-оятлари) билан собит бўлган. Шунга кўра, Ойша онамизнинг шаъни умматнинг ва саҳобаларнинг ҳурматидан ўзгача аҳамият касб этади. Ойша онамизнинг иффатига туҳмат қилган

кимса оятларни инкор қилган ҳисобланади. Оятларни инкор қилиш эса куфрдир.

2. Абу Бакр розияллоху анхунинг саҳоба эканини инкор қилиш – куфр: Аҳли сунна олимлари ким Абу Бакр розияллоху анхунинг саҳобалигини инкор қилса, Қуръони каримнинг «...**Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида** (ватанидан) **чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб, (Муҳаммад) ҳамроҳи (Абу Бакр) га: “Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!” деган эди...»** (Тавба сураси, 40-) оятини инкор қилган бўлади, бу эса,

куфрдир (Бағавий, Фаҳриддин Розий ва бошқалар).

3. Саҳобалар ҳақида ёмон сўз айтиш энг камида фосиқликдир. Тақиюддин Субкий ва Мулла Али Қори саҳобалар ҳақида ёмон сўз айтган кимсаларнинг фосиқ бўлиши ҳақидаги ижмони нақл қилишган.

Субкий саҳобалик мартабасига беписандликни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга нисбатан ҳурматсизлик деб баҳолаган (Субкий, “Фатволар”).

✍ **Дамин ЖУМАҚУЛ** тайёрлади.



Янгиланган қадимий ёдгорлик

Масжидимиз XVIII асрда яшган улуғ авлиё Ниёз Муҳаммад Охунд хазратлари шарафига номланган. Бухоро амирлигига қарашли Қоракўл беклигида дунёга келган бу зотнинг шажараси Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳуга уланади. Тарихчи Фазлий “Мақомати Охунд бобо” рисоласида у кишини нақшбандий тариқатидаги етук уламо, шайх сифатида таништилади.

Ниёз Муҳаммад Охунд Бухородаги Мир Араб мадрасасида етти йил таҳсил олгач, ўн икки йил давомида ўз даврининг машхур уламолари қўлида тасаввуф илмларини эгаллаб, улуғ даражага етишди. Ривоятларда келишича, таҳсилни тамомлаган Ниёз Муҳаммад устозининг маслаҳати билан Хива хонлигига йўл олади. Ниҳоят бир манзилга етиб келиб, ўша ерга ўрнашади. Нақшбандия тариқатининг “Қўлинг ишда бўлсин, қалбинг – Аллоҳда” тамойилига кўра, Ниёз Муҳаммад ота-онасидан ўрганган бўз тўқиш хунари билан трикчилик ўтказди. Айни пайтда яқин атрофдаги қишлоқлар (ҳозирги Дўрмон қишлоғи) аҳолиси орасида диний маърифатни ёйиш


билан шуғулланиб, етук авлиё сифатида танилади.

1767 йилнинг баҳорида Шерғо-зихон хонлиқдаги барча аҳли илмларни машваратга чорлаб, дин, эл-улус, раият ҳақида бир қанча мунозарали саволларни ўртага ташлайди. Уламолар яқдил жавоб айтишолмайди. Шунда хон вазирдан: “Машваратга келмаган бирор аллома, авлиё қолдими?” деб сўрайди. Суриштиришса, Урганч қалъаси яқинидаги Дўрмон қишлоғида яшаётган Ниёз Муҳаммад Охунднинг машваратда йўқлиги маълум бўлади. Кейинги мажлисга уни олиб келишади. Ниёз Муҳаммад Охунд бир чеккада ўтириб, даврани кузатади. Узоқ тортишувга қарамай, баҳсли саволга ечим топилмайди, айтилган мулоҳазалар хонни қониқтирмайди. Шу пайт Ниёз Муҳаммад Охунд сўз сўраб, бу борадаги фикрларини ҳам диний, ҳам дунёвий илмларга асосланган ҳолда баён қилади. Хон ғоят хурсанд бўлиб, унга ўрта ва юқори Дўрмон қишлоқларини мулк сифатида беради. Бундан ташқари, Чимбой атрофларидан экин учун ер ажратади. Дўрмон қишлоғи Амударё соҳилида жойлашган бўлиб, баҳорги сув

тошқинлари даврида кўп талафот кўрарди. Ниёз Муҳаммад Охунд бу ерда муқим ўрнашгач, тошқинлар бирор марта қишлоққа зиён етказмайди. Буни авлиё бобонинг қароматидан деб билган эл-улус у зотга қаттиқ ихлос қўяди.

Ниёз Муҳаммад Охунд узоқ умр кўриб, милодий 1773 йилда дунёдан ўтади. Улуғ авлиёга шу манзилда кичикроқ мақбара тикланади. Мақбара атрофида марҳумлар дафн этила бошлайди ва “Охунд бобо” қабристон пайдо бўлади. Кейинроқ қабристон ёнида одмигина масжид қурилган. Лойдан тиклангани боис масжид биноси қисқа фурсатда нураб тушган ва ўрнида янгиси қурилаверган.

Шўролар тузуми даврида масжид қаровсиз қолади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, аҳолининг талаб-истаги инobatга олиниб, янги масжид қуришга рухсат берилди. Аммо у ҳам омонатгина қурилган, намозхонаси тор, ибодат қилиш учун деярли шарт-шароит йўқ эди. Мустақиллик даврига келиб шаҳарнинг бош жомеси ҳисобланган “Охун бобо” масжидининг эски биноси тўла қайта реконструкция қилинди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 январь куни Хоразмга ташрифи давомида “Охун бобо” масжидининг янги биноси илк ғиштини қўйиб берди. Кўп ўтмай, жоме қад кўтарди. Масжид 1500 нафар намозхонни сиғдира олади. Хивадаги “Хўжа минора”дан улгу олинган минорасининг баландлиги 47 метр. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси кўринишида қурилган Ниёз Муҳаммад Охунд мақбараси – хилхонасининг баландлиги 17 метр, 10х10 метр ҳажмда.

Бугунги кунда ушбу маскан обод ва кўркем манзара касб этган зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Мусо АБДУЛЛАЕВ,

Урганч шаҳридаги “Охун бобо”
жоме масжиди имом ноиб

Саломатлик бурчаги

Ўт пуфаги оғриганида...

Ўт пуфаги безовта қилганида ҳар куни 1–2 дона серсув шириннок ейилса, оғриқ қолади.

Гемоглобинни кўтариш учун

Бунинг учун қуйидаги тавсиялар орасидан ўзингизга мосини танланг ва уни доимо бажаришга ҳаракат қилинг.

1. 1 стакан ёнғоқ ва 1 стакан гречка донлари яхшилаб майдаланиб, унга 1 стакан асал қўшиб аралаштирилади. Ҳар куни шу аралашмадан бир ошқошиқ истеъмол қилинади.

2. Ёнғоқ, қуритилган ўрик қоқиси, асал ва майиз – барчаси тенг миқдорда олинади ва яхшилаб аралаштирилади. Шу аралашмадан кунига 1–3 ошқошиқдан истеъмол қилинади.

3. 100 мл. янги чиқарилган лавлаги шарбати ва 100 мл. сабзи шарбати аралаштирилади ва ичилади.

Гуруч сувининг фойдалари

Гуруч суви ошқозон-ичак фаолиятини яхшилади, қон босимини меъёрлаштиради, саратон касаллигининг олдини олади. Таркибидаги фаол моддалар туфайли метаболизмни тезлаштиради.

Гуруч суви терига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Доимо истеъмол қилиш ва юз ювиш натижасида тери ранги яхшиланади, ажинлар текисланади, хуснбузарлар камаяди.



Камқонликка қарши яхши восита

1. Анор анемияга қарши энг яхши воситадир. Гемоглобин миқдорини оширади. Камқонликда

қунига уч маҳал ярим стакан бироз сув билан аралаштирилган анор шарбатини овқатдан олдин ичиш мақсадга мувофиқ.

2. Қон босимини пасайтиради. Гипертониклар учун анор энг яхши мева ҳисобланади.

3. Гормонлар (ички секреция безлар) фаоллигини оширади. Анор данакларида гормон мувозанатини тиклайдиган ёғлар бор. Шунинг учун анор еганингизда данакчаларини чайнаб ютинг.

4. Оғиз ва томоқни зарарли микроблардан тозалайди. Анор пўстлогининг қайнатмаси ёки шарбати томоқни (ангина ва фарингитда) ва оғиз бўшлиғини (гингивит ва стоматитда) чайқаш учун ишлатади.

5. Инсулин ўрнини босади. Анор ширин бўлишига қарамай, уни ҳаттоки диабетиклар ҳам истеъмол қилса бўлаверади. Қондаги шакар миқдорини камайтириш учун 60 томчи анор шарбатини кунига 4 маҳал овқатдан олдин ичинг.

6. Терини даволайди. Агарда

терингизда хуснбузарлар ёки қизаришлар бўлса, анор пўстлогидан талқон қилиб сариёғ ёки зайтун ёғи билан аралаштириб ҳафтада фақат икки кун суртинг. Аралашмани музлаткичда сақланг.



Лимон қоқининг фойдалари

Лимоннинг фойдали хусусиятлари кўп. Аммо унинг қуритилганини кўрганмисиз? Лимон қоқили чой тетиклаштиради, қон босимини меъёрда ушлайди ва энг муҳими, адаптация (мослашувчанлик) ни кучайтиради.

“Саломатлик сирлари”

канал маълумотлари асосида
Зебо ОМОНОВА тайёрлади.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari
idorasi "Shamsuddinxon
Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek
IMOMNAZAROV**

Шамсун Нури

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Komiljon BURHONOV
Sodiq TOSHBAYEV	Tolibjon NIZOMOV
Homidjon ISHMATBEKOV	Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Muzaffar KAMOLOV
Obidjon QODIROV	Salohiddin SHERXONOV
Muhammadolom MUHAMMADSIDDIQOV	Azizbek XOLNAZAROV
Zayniddin ESHONQULOV	Jamoatchilik kengashi:
Muhammadsharif JUMAN	Alisher ESHIMOV
Xolmat ATABAYEV	Islomiddin ZUHRIDDINOV
	Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liq SHERNAYEV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
05.12.2024
Xulosa (№03-07/7248) olindi:
13.12.2024
"SHAMSUDDINXON
BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.450
24-3/24-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.
لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!